

3 Мавлуда ХЎЖАЕВА, Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси:

ФИДОЙИ, ОҚИЛА, ИШБИЛАРМОН

аёллар сафи кенгайса, ҳаёти-миз янада фаровон бўлаверади



4 Алишер МИРЗАЕВ, Ўзбекистон халқ рассоми:

ҲАЁТНИНГ ҲАМ ЎЗ РАНГЛАРИ БОР



5 **ЗАМОНАВИЙ ЎЙИНЧОҚ**

ёхуд болалар автомашиналари ва мотоцикллари

8 **САРВИНОЗ — ХАЛҚАРО СПОРТ УСТАСИ**



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ сурат-лавҳаси.

«Хунардан ризқ унар», деган халқона ҳикмат айнан мустақиллик йилларида ўз амалий исботини топди.

УШБУ СОНДА:

«Соғлом назар» — фақат аёллар учун	2
Туриб қолган чой фойдали эмас, зарарлидир	6
Келин сепли бўлгандан кўра, эпли бўлгани яхши	7
Ўз уйида... бегона одам.....	8
Хорижлик билан никоҳ тузилса.....	8

ҲИКМАТ

Кулоғимиз иккита, тилимиз эса битта. Бу — биз кўп эшитиб, кам гапиришимиз керак дегани.

Диоген

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятдан

БИТИРУВЧИ ҚИЗЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Жорий йилда республикада фаолият юритаётган 1034 та касб-хунар коллежларини 495229 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 243520 нафари, яъни 49 фоизи қизлардан иборат. Уларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши, ўрганган билим ва кўникмаларини амалиётга татбиқ этиб, юртимиз тараққиёти жабҳаларида фаол иштирок этишида ёшларнинг, жумладан, битирувчи қизларнинг иш билан таъминланиши муҳим ўрин тутаяди, албатта.

Яқинда "Хотин-қизлар кўмиталарининг 2013-2014 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежларини битирувчи қизларни иш билан таъминлашга қўшган ҳиссаси" мавзусида кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган тадбирда шу эзгу мақсадда амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг селектор йиғилиши баёнида 2013-2014 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежларини битирувчи қизларни иш билан таъминлашни ташкиллаштиришга кўмаклашиш хотин-қизлар кўмиталари зиммасига вазифа сифатида юклатилган эди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ушбу йўналишда кенг қамровли амалий ишлар қилиниб, шу кунга қадар бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси, жамоатчилик ва масъул ташкилотлар ҳамкорлигида асосланган 2014 йилда битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек, шаҳарлар ва туманларда 1700 га яқин штаб тузилди. Мазкур жамоатчилик штабларида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИХ, Ўрта махсус касб-хунар таълимий маркази, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари, Ингил саноат Давлат акциядорлик компанияси, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари билан таркиб топган ишчи гуруҳлари иш олиб бормоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айни кунларда бу йилги битирувчи қизларнинг 139 488 нафари (57 фоизи) ишга жойлашган, 34 352 нафа-

ри (14 фоизи) олий ўқув юрталарига ўқишга кириш учун ҳужжатларини топшириб, давлат тест синовларида қатнашдилар ва улардан бир нечаси талаба бўлишди. Жамоатчилик штабларининг ишчи гуруҳи аъзолари иш берувчи ташкилотлар билан биргаликда қизларни ўз эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштириш бора-сидаги амалий саъй-ҳаракатларни изчил олиб боришмоқда. Битирувчиларнинг иш билан бандлиги масаласида улар билан тузилган уч томонлама шартномаларнинг амалиётга йўналтирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмита-



си қуйи тизимлари билан биргаликда 7 минг нафардан зиёд битирувчи қизлар тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганини ўрганиб, уларга республикадаги тижорат банклари томонидан 45 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатди ва бу жараён давом этмоқда.

— Бу йил Чингелди маийши хизмат касб-хунар коллежини тикув-трикотаж ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси йўналиши бўйича таъминлаб, мазкур касб-хунар даргоҳимиз қошида ўқувчилар учун коллеж формаларини тайёрлашга йўналтирилган тикув цехи очишга муваффақ бўлдим, — дейди Қибрай туманилик ёш тадбиркор Шахноза Файзиева. — Бунинг учун туман хотин-қизлар кўмитаси кўмагида "Инфинг" хусусий очик акциядорлик тижорат банкининг Қибрай туман филиалидан 1 миллион 300 минг сўм миқдорда кредит олиб, 5 та янги тикув машинаси билан иш бошлашга ҳамда битирувчи қизлардан 4 нафарини иш билан таъминлашга эришдим. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш истагимиз.

— Туманимизда битирувчи қизлар 1097 нафар бўлиб, улар орасида бош-

қа туманлар ҳамда вилоятлардан келиб ўқиган қизлар ҳам бор, — дейди Жиззах вилоят Галлаорол туман хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифиниси бажарувчи Меҳринисо Бобоева. — Ташаббускор битирувчи қизларнинг 40 нафари туман хотин-қизлар кўмитаси кўмагида тижорат банкларида кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятига дадил киришдилар, уларга ажратилган жами 173,5 миллион сўм кредит маблағлари асосан тикувчилик, чорвачилик, паррандачилик, кўчатчилик, сартарошлик бўйича йўналтирилди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги қизлардан яна 11 нафарининг зарур ҳужжатлари туманда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларида топширилган бўлиб, бу ҳам ижобий ҳал этилмоқда.

Хозирга қадар туманимизда битирувчи қизларнинг 700 нафарга яқини ишга жойлашиб, олган билим ва кўникмаларини меҳнат фаолиятида намоён қилишмоқда. Эзгу саъй-ҳаракатларимиз эса давом этаётир. Туман марказида ишга тушиш арафасидаги "Наргиза текс" МЧЖ билан ҳам бир неча битирувчи қизлар уч томонлама шартнома имзоланган. Дастлабки фаолиятида 130 иш ўрни яратиш имконига эга мазкур корхонада нафақат битирувчи, балки бошқа хотин-қизлар ҳам иш билан таъминланади. Бахмалсой қишлоғида фаолиятини бошлаш арафасида турган 30 та иш ўрнига эга "Сарафроз плюс" хусусий корхонасида ҳам уч томонлама шартнома тузган 10 нафар қиз тез орада тикувчилик ва тўқувчилик йўналишида ишга жойлашади.

Йиғилишда таъкидланганидек, Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳамкорлигидаги бир қатор лойиҳаларда вилоятлар бўйича коллежни битирувчи қизлардан 500 нафари амалиёт ўтаб, тадбиркорлик кўникмаларини олиши, мутахассисликни чуқур ўзлаштирган 250 нафар шоғирд қизлар корхоналарда иш билан таъминланиши ҳам кўзда тутилган.

Айни пайтда кўмита ташаббуси билан коллежларни битирган қизларни турли хунларни пухтароқ эгаллашлари мақсадида бир неча ўқув марказлари билан келишган ҳолда имтиёзли тарзда касб-хунар ўргатиш чоралари кўрилмоқда.

Тадбир доирасида 400 нафарга яқин битирувчи қизларга Тошкент шаҳридаги 21 та ўқув марказида имтиёзли сабоқ олиш имконини берувчи сертификатлар, мазкур ўқув марказлари раҳбарларига Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташаккурномалари топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

Ташаббус

“СОҒЛОМ НАЗАР”: АЁЛЛАРГА КЎМАК БЕРАДИ

Юртимизда хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, оилавий спортни ривожлантириш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш муҳим йўналишлардан бирига айланган. Ана шундай эзгу ишларни янада тақомиллаштириш мақсадида 6 сентябрь куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида "Соғлом назар" кўнгилли спорт соғломлаштириш гуруҳининг тақдимотига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тақдимот маросимини Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Нилуфар Тожибоева очиб берди.

Спортнинг хотин-қизларга мос нафис, нозик турларни тақомиллаштириш, жисмоний тарбия билан шуғулланишни уларнинг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш, маҳалларда истиқомат қилувчи хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбияни кенг тарғиб қилиш, шу орқали аёллар саломатлигини асраш мақсадида 2014 йилнинг март ойида ташкил этилган ушбу гуруҳда Тошкент шаҳрининг 8 та туманидаги 25 та маҳалладан 30 ёшдан 75 ёшга булган 135 нафардан ортик хотин-қизлар спорт машғулотида фаол иштирок этишмоқда.

— Гуруҳга қатнашиш истагида бўлганлар учун махсус сўровнома ташкил этилган бўлиб, унда иштирокчилар танасидаги огриклар ҳақида баён этишади, — дейди гуруҳ ташкилотчиси ва бош мураббий Махфират Курбонова. — Биз мазкур сўровнома ўрганиб, ҳар бир аёл учун унинг саломатлиги билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш ҳамда бартаф қилишга йўналтирилган машқлар мажмуасини ишлаб чиқамиз. Жисмоний тарбия машқлари танага оғирлик туширмайдиган тарзда тартиб билан олиб борилади. Шунингдек, машқлар оралиғида дам олиш дақиқаси, хотирани кучайтириш машғулоти ўтказилади.

"Соғлом назар" кўнгилли спорт-соғломлаштириш гуруҳи аъзолари ҳар куни эрталаб соат 5.00 да боғда йиғилиб, мураббий раҳбарлигида машғулотларни бошлайдилар ва 1 соату 20 дақиқа бадантарбия билан шуғулланадилар. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қиздирувчи ва соғлиқни мухташамловчи яъни, танани тортиш, буриш, эгилиш машқлари орқали оғрикли жойларга таъсир кўрсатилади.

Машқлар баданни ортикча зўриқтирилган ҳалос этиши, хотирани мухташамлаши, осуда, енгил ва майин бажарилиши билан танага роҳат бағишлаши гуруҳ фаолияти билан яқиндан танишган тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга совғалар тақдим этилди.

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА ҲИСОБОТ ТАҚДИМ ЭТИНГ!

Барча молия-ҳўжалик фаолияти юритувчи субъектлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан, 2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари томонидан статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилиши белгиланган. Шу муносабат билан барча молия-ҳўжалик фаолияти юритувчи субъектлар Давлат статистика

ҳисоботларини электрон тизим орқали ўтказишларини сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси сайтига (www.stat.uz) кириб, "eStat 2.0" дастурини ўрнатиш лозим. Мазкур дастур Давлат статистика ҳисоботларини тайёрлаш, тўлдириш ва юридик шахслар томонидан Давлат статистика органларига ҳисоботларни элек-

трон кўринишида тақдим этиш бўйича ишларни бажариш учун мўлжалланган.

Тизимда қўлланиладиган ҳисобот шакллари ойлик, чораклик ва йиллик шакллarga ажратилган. Турли хил ҳисоботлар билан ишлаш бир хилдир. Электрон ҳисобот субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Мурожаат учун телефонлар:

Давлат статистика кўмитаси: (8-371) 230-81-43

Тошкент вилоят статистика бошқармаси: (8-371) 230-86-86

Ўрта Чирчик туман статистика бўлими: (8-371) 230-87-09

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

Ўрта Чирчик туман статистика бўлими.

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Фаргона вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси:

ФИДОЙИ, ОҚИЛА, ИШБИЛАРМОН

аёллар сафи кенгайса, ҳаётимиз янада фаровон бўлаверади

— Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик шодиёналарини кўтаринки кайфиятда нишонладик. Шаҳару қишлоқларимиз, маҳалларимизда ҳамон байрам шукухи давом этмоқда. Истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар оилаларимизга фаровонлик, маҳалларимизга ободлик олиб кирди. Ҳаётимизда қувончли кунларимиз, суюнчилаб айтадиган хушxabарларимиз кўпайиб бормоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Фаргона вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаган уй-жойлар туманларимиз қиёфасига кўрк бағишламоқда. Фаргона тумани Чекшўра қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Обод турмуш" кўчасидаги Юсуфжон ва Мастурахон Камоловлар хонадониди бўлганимизда: "Мана шундай кўрк ва шинам уйда яшаётганимиздан беҳад бахтиёримиз", деди оила бекаси кўзлари чакнаб. Бундай қувончли сўзларни намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган хонадонларга кўчиб кираётган ҳар бир оила аъзоларидан эшитишимиз мумкин. Бугун фарғоналик онахонлар, "Юртимиз мустақилликка эришгач, айниқса, биз — хотин-қизларнинг манглайимиз ёруғ бўлди, истиқлол аёлларни муқаррамлик даражасига кўтарди", дея мамнуният билан эътироф этишмоқда.

Вилоятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол, маданият, санъат, фан, таълим ва спорт соҳасида муносиб ютуқларни қўлга киритаётган аёлларимиз, қизларимизнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Қай бир соҳада фаолият юритмайлик, муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бизларга чексиз меҳр ва гамхўрлигини ҳис қилаёмиш.

Истиқлол йилларида хотин-қизларимизнинг оила ва жамиятдаги маъқеи мустаҳкамланиб, меҳнати юксак қадрланмоқда. Вилоятимизда фидокорона меҳнати, фаоллиги билан барчага ўрнак бўлаётган аёлларимиз жуда кўп. Ўзбекистон Қаҳрамонлари Манзура Мамадалиева, Патилахон Эргашева каби фидойи аёлларимизни бугунги кунда ёшларимиз, айниқса, қизларимизга ҳар жиҳатдан намуна қилиб кўрсатсақ арзийди.

Қизларнинг ҳаётида ўз ўринини топишига кўмаклашиш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида бугунги кунда вилоятимизда ўзига ишонган, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан билимдон ёшларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Биргина жорий йилда касб-хунар коллежларини тामомлаган 1524 нафар қиз кредит олиш истагида ўз бизнес лойиҳасини ишлаб чиқди. Ҳозирда улардан 732 нафарига вилоятдаги тижорат банклари томонидан 3 млрд. 666 млн. сўм миқдориди кредит маблағлари ажратилди.

Хотин-қизларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, оилаларнинг тур-

— Вилоятимиз онахонларининг юз-кўзларида маърифат нури бор. Бир-бирдан зукко қизларимизнинг ютуқларидан кўнглимиз фахру ифтихорга тўлади, — дейди Фаргона вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавлуда ХЎЖАЕВА.

Оила ва жамиятда хотин-қизларнинг маъқеини юксалтириш, аёлларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, ҳақ-ҳуқуқлари ва саноатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни ҳаётга татбиқ этишда самарали меҳнат қилиб келаётган Мавлуда Исломова оилада намунали бека ва меҳрибон она ҳамдир. Турмуш ўртоғи Равашн Хўжаев билан уч нафар фарзандни эл-юрт қорига қамарбаста этиб вояга етказган.



● Вилоят аҳолисининг 1684987 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Шундан 6 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, 2 нафари Сенат аъзоси, 80 нафари маҳаллий кенгашлар депутати сифатида фаолият кўрсатмоқда. 7 нафар фан доктори, 76 нафар фан номзоди, 70 нафар илмий тадқиқотчи аёллар илм-фан ривожини йўлида меҳнат қилмоқда.

● 6875 нафар тадбиркор хотин-қизлар аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Аёллар тадбиркорлиги ва оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг саккиз ойида вилоятда тижорат банклари томонидан аёл тадбиркорларга 35369 млн. сўм миқдориди кредитлар ажратилди. Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 27842 нафар аёл янги иш ўринлари билан таъминланди.

● Аёлларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва рўзғор ташвишларини енгиллаштириш мақсадида жорий йилнинг 8 ойида 4947 млн. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди.

● Вилоятда 129 та спорт иншооти мавжуд. Спорт билан мунтазам шуғулланувчи қизлар сони 329212 нафарни ташкил этмоқда.

муш даражасини юксалтириш мақсадида вилоятимизда маиший хизмат уйлари, "Гўзаллик салонлари" қад ростламоқда. Олтириқ туманидаги Тинчлик шаҳарчасида Манзура Файзиматова томонидан ташкил этилган "Манзурабегим салтанати" хусусий фирмасининг "Соғлом аёл" мажмуасидаги фитнес зали, фитобар, гўзаллик ва келинлар либослари салонлари ўзининг сифатли хизмати, шарт-шароитлари билан барчага ўрнак бўлмоқда. Жорий йилда Марғилон, Қўқон, Қувасой шаҳри ва Бувайда, Ёзёвон, Риштон, Тошлоқ, Кува туманларидан биттадан ҳамда Олтириқ туманида 2 та таркибиди «Гўзаллик саломи», пойабзал таъмирлаш, тикув цехи, техник хизмат кўрсатиш шохбачаси бўлган маиший хизмат уйлари фойдаланишга топширилди ва 69 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, Қувасой шаҳри ҳамда Бағдод, Бувайда, Данғара, Олтириқ, Қўштепа, Риштон, Сўх, Кува туманларида 2

тадан ва Бешариқ, Ёзёвон, Тошлоқ, Учкўприқ, Фуркат, Ўзбекистон, Фарғона, туманларида биттадан аёллар "Гўзаллик уйлари" иш бошлади ва 60 та янги иш ўрни яратилди. Шаҳар ва туманларимизда бу борадаги қурилиш ишлари ичизил давом этмоқда.

Спорт соҳасида яратилган имкониятлар туфайли кўлаб қизларимиз нуфузли чемпионатлар ва халқаро турнирларда голиблик шохсупасига кўтарилмоқдалар. Вилоятимиз мисолида айтадиган бўлсам, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, қувалик Камола Раҳмонова спортнинг акробатика тури бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпионатларида ва халқаро турнирларда голиб бўлди. Ўзбекистон туманида истиқомат қилаётган Дилафрўз Усмонова миллий кураш бўйича 21 карра мамлакат чемпиони деган шарафли номга эришди. Синхрон сузish бўйича спорт усталигига номзод, марғилонлик Гул-

Эътироф

ҳаёи Лутфуллаева, теннис бўйича Ма-лайзия, Қозоғистон, Таиланд давлатларида ўтказилган халқаро мусобақаларда фаол катнашди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, спортнинг таэквондо тури бўйича етти карра Ўзбекистон чемпиони, миллий терма жамоа аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, қувасойлик Динора Мамадибрагимова, вилотимизнинг Ўзбекистон туманида туғилиб ўсган, шахмат бўйича Осиё ва жаҳон биринчиликлари совриндори, Ўзбекистонда аёллар ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлган Нафиса Мўминова ҳамда унинг сингиси кўлаб чемпионатлар голиби Хулқар Тоҳиржонова каби қизларимиз билан ҳар қанча фахрлансақ арзийди.

Жорий йилда спорт билан мунтазам шуғулланувчи қизлар учун 17 342 та, шунингдек, кам таъминланган оила қизларига 9130 дона спорт кийимларининг тарқатилиши ҳам уларнинг спортга жалб этиш, аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган гамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Вилоятимизнинг 590 нафар спортчи-си 90 млн. сўмлик спорт кийимлари топширилди. "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вакифалар ижросини таъминлаш мақсадида Муруват уйлари, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида "Соғлом авлод — давлат тараққиётининг асоси" шиори остида ташкил этилган тадбирда спортнинг бадминтон, стол тенниси, шашка, футбол спорт турлари бўйича мусобақаларда мактаб-интернатлардан 220 нафар ўқувчи иштирок этди.

Август ойида Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Олимпиада ўйинларида Фуркат туманидан Бектемир Мелиқўзи-евнинг олтин медални қўлга киритгани, Данғара туманидан Қозимжон Мардоновнинг тўртинчи ўринни эгаллаганини фахр билан эътироф этишимиз жоиздир.

"Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган "Аёллар спорт мусобақалари", "Гимнастика барча учун", "Соғлом оила", "Соғлом она-соғлом бола" шиори остидаги аёллар фестиваллари ва спорт мусобақалари вилоятимизда оилавий спортни ривожлантириш, хотин-қизларни спортга оммавий жалб этиш, хонадонларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқимизда Аёл, Она муқаррамдир, деган гап бор. Биз бу сўзларнинг чин маънодаги исботини истиқлол йилларида ўзимизга билдирилган ишонч, ҳаёт тарзимизнинг яхшиланиши, жамиятда ўз ўрнини топишимиз йўлидаги гамхўрликлар мисолида кўраёмиш. Бу меҳр ва ишончга жавобан ҳар биримиз ҳамшиша уйғоқ қалб ва зийраклик билан фарзандларимизни Она Ватанга садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга интилоғимиз керак. Шундангина энг улуг, энг азиз неъматимиз — Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга ўз улушимизни қўшган бўлаимиз.

"Оила ва жамият" муҳбири
Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА
ёзиб олди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

Алишер МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон халқ рассоми:

ҲАЁТНИНГ ҲАМ ЎЗ РАНГЛАРИ БОР

“Эски шаҳар фарзандиман”, “Куз илҳомлари”, “Ранглар жозибаси” номли бир қатор кўргазмалар муаллифи, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, профессор Алишер Мирзаев сийратига чизгилар.

— Алишер ака, Ватанга муҳаббат ҳар бир инсоннинг қалбига болаликдан жо бўлади. Сизни мўқалам сеҳрига ошно қилган ана шу беғубор даврларни ёдга олсангиз?

— Ёшлигим Тошкентнинг Эски шаҳаридаги Калонхона маҳалласида ўтган. Уч ёшимда отам вафот этиб, тўрт фарзандни едириб-ичириш, тарбиялаш онам — Каромат Мирзаеванинг зиммасида қолган экан. Эсимни танибманки, онамни ҳамиса юмушлар билан банд ҳолда кўрганман. Бизни ошқора суйиб эркалаш, кўнглимизга қарашга деярли вақтлари бўлмаган. Болаликдаги кўпгина хотираларим Чорсу бозори билан боғлиқ. Ёзги таътил пайтлари, новвойларнинг нонларини ташиб, кошибларга ёрдан бериб, уч-тўрт сўм пул топиб, рўзгорга қарашардим. Бозордаги майда-чуйда юмушларга ўралашиб қолган болалардан дурустроқ илм эгаси этишиб чиқмаслигини, муҳит бунга йўл қўймаглигини билган онам ўқишларимни қаттиқ назоратга олди. Тўртинчи синфдан Лабзак кўчасида жойлашган, аввалги номи бошқачароқ эди, ҳозирги Ёшлар ижод саройига қатнай бошладим. У ерда устозим Роза Сафинадан ранг-тасвир сабоқларини ўргандим. Бир куни боғ чеккасидаги айвончада манзарали бир суратни чизиб ўтирсам, Роза опа ортимдан келиб, кузатиб туриб, “Сени рассомлик билим юрти соғиниб қолибди”, деди.

Устозимнинг сўзлари ўзимга нисбатан ишонч уйғотди. Рассомлик билим юртига кирдим. Онам оиладаги иқтисодий етишмовчиликларни менга билдирмаслик учун тинимсиз меҳнат қиларди. Томларга чиқиб, узоқ-узоқларга термилиб, Калонхона мачити, бозор ортидан кўриниб турган Кўкалдош мадрасаси, Хўжа Аҳрор мачитларини кўнглимга яқин бўлган ранглар билан чизардим. Баҳор келганида пасткак томлар устида хуркак қиздек хилвираб турувчи лолакизгалдоқларнинг нафис тебранишию ёмғирдан сўнг ердан тараладиган ажойиб исларни ҳидлаб, Ватан нелигини ҳис этдим. Республика Рассомлик билим юртини тамомлагач, Москвада ўқишимни давом эттириш учун отландим. Иккита опам узатилган, укам ҳали ёш,



онам бетоб бўлиб касалхонада ётганди. Яна ўқиш истагида эканимни билган онам, ўйлашиб туриб: “Ўғлим, агар қароринг қатъий бўлса, оқ фотиҳа бераман. Ўқишга кириб олсанг, ҳеч нарсадан камчилик сезмайсан. Мени ночор аҳволда деб ўйламагин, атаб кўйган жамғармаларим бор”, деган эдилар. Онам раҳматли ўзлари ўқимаган бўлсалар-да, фикрлари зиёлиларга хос эди.

— Ижодкорнинг ёрқин истеъдодини намойён этиш, унинг бадий оламини бойитишда жуфти ҳалоли, яъни аёлининг ҳам ўрни беқиёс бўлади, тўғрими?

— Мен ўзимни бахтли деб биламан. Турмуш ўртоғим Мавлудахон Мирзаева ҳам Тошкент театр ва рассомчилик (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият) институтининг санъатшунослик факультетида таҳсил олган. Мавлудахон билан оила қуриб, тўрт фарзандли бўлдик. Феруза, Гулчехра, Шахноза, Дилдораларнинг барчаси санъатшунос. Бири биздан узоқда, бири яқинда яшаса-да, улар ҳақида устозларининг илиқ сўзларини эшитиб тураимиз. Рафиқангизнинг ижодкорни тушуниши, қўллаб-қувватлаши жуда жиддий аҳамиятга эга. Буюк адибларимиз Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Ойбек домлаларининг ҳам аёллари шох сифатида буюк инсонлар бўлишган. Ижод тирикчилик ёки пул топиш манбаи

қайси ранглардан фойдаланасиз?

— Москвада ўқиб юрган кезларим профессор Ҳамид Сулаймон томонидан чоп этилган Алишер Навоий асарларига чизилган миниатюралардан илҳомланиб, миллий меросимиз билан боғлиқ асарлар чизишга ҳаракат қилардим. Суратларим халқ амалий санъати, миниатюра жанрида бўлгани учун декоратив рангдорлик кучли. Рангларнинг яхши ёки ёмони бўлмайди. Уларни бири-биридан ажратиш ҳам кемтикликни юзага келтиради. Оқ рангнинг гўзаллиги

— Тасвирий санъат билан мусиқанинг табиати бир-бирига жудаям яқин. Масалан, симфоник мусиқани рангин оҳангларнинг жамланмаси деб тушунаман. Тасвирий санъат табиатдан олган кўчирмачилик билан эмас, шакл-шамойили, ранги билан ажралиб туриши керак. Ўша симфоник мусиқа ҳам табиатни ифода этади. Баҳор сюитаси баҳор унсурлари яъни момақалдиқроқ товуши, сувларнинг шариллаб оқишини мусиқа асбоблари орқали эмас, абстракт мусиқавий оҳанглар орқали ифода этади. Қалб меҳри ва юксак маҳорат билан ишланган табиат суратига эллик йил термулсангиз ҳам мусиқавий оҳангларга ўхшаган рангин шакллар ўйини, комбинациялар кўзингизни толиқтирмайди ва ҳар гал қараганда янгича бир маънони ўзингизда кашф этаяверасиз. Санъатнинг асл сеҳри ана шунда-да. Шунинг учун ҳам энг нодир асарлар музейларда бебаҳо бойлик сифатида сақланади.

— Кўлига мўқалам олиб, келажакда рассом бўлишни орзу қилиб юрган шогирдларингизга устоз сифатида қандай маслаҳат, тавсиялар берасиз?

— Бўлажак рассом интеллектual, баркамол инсон бўлиб етишиши керак. Бунинг учун энг катта пойдевор мактабда олган сабоқлари бўлади. Ўғлим ёки қизим сурат чизяпти, демак, келажакда рассом бўлади, деган ота-оналар янглишади. Боланинг қобилиятини ўз вақтида кўра билиши, тўғри йўналтириши, тўғрақларга жалб қилиб, яхши устоз кўлига бериши керак. Бола қобилиятининг ривожланиши кўпроқ устозларининг маҳорати ҳам боғлиқ. Агар у болаларда шу соҳага меҳр уйғотолмаса, унамунча иқтидорли боланинг ҳам қизиқиши сўнади. Дарсликдан ташқари санъат ҳақида гўзал суҳбатлар қуриш, буюк рассомларнинг ҳаётидан мисоллар айтиб, ўқувчиларнинг кўзларини чакнатиб юбориш керак. Болаларни кўчириб эмас, оддий натюрмортларга қараб чиқишга ўргатиш лозим. Расм дарсларида ўқувчиларни мактаб ҳовлисига олиб чиқиб, айвончада манзараларни чиздиришга кўникма ҳосил қилиш ҳам боланинг бу соҳага бўлган интилишини кучайтиради.

Ҳозирги кунда санъат йўлини танлаган ёшларни мен энг бахтли авлод деб ҳисоблайман. Уз иқтидорини ривожлантириш учун астойдил интилса, меҳнатлари самараси тезда юзага чиқади. Энг муҳими, Ватан сийратини чин юракдан англаб, миллий анъаналаримиз руҳидаги бетакор санъат асарларини яратиш йўлидан чалғимаслик керак. Шундагина улар Ўзбекистонимизни бор бўйи билан дунё халқлари кўзи олдида тасвирлаб бера оладилар.

“Оила ва жамият”
муҳбири
Нигора РАҲМОНОВА
суҳбатлашди.

эмас. Ижодкор аҳлининг кўнгли нозик, устига устак, ўзига яраша инжиқликлари бўлади. Илҳом бу бесаранжомлик дегани. Бизнинг бундай ҳолатимизни ҳамма аёл ҳам тушунавермайди. Қизларим ёш пайти оиладаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, болалар тарбияси билан шуғулланиш, вақти келса кўлига болға олиш ҳам аёлининг зиммасига тушган. Қизларим оқила, моддий бойликларга ружу қўймайдиган, камтарин бўлиб ўсишди. Турмушга узатаётганимизда имконимизга қараб сарпо қилдик, бирортаси эътироз билдирмади. Чунки улар ижодкорлар оиласида кенг фикрли, маърифатли бўлиб тарбияланишди.

Бир неча марта операция столида ётдим. Ана шундай пайтларда аёлим жасорат намунасини кўрсатди. Инсон кексайиб, ҳаётий тажрибаси ортгани сайин фикрлари тيرانлашиб, қарашлари бойиб бораркан. Ёшларга, шогирдларимга айтмоқчи бўлган фикрларимни қаламга олиб, иккита романини ёзиб тугатдим. “Каллахоналик йигитча” романи “Шарқ юлдузи” журналида чоп этила бошлади. Иккинчи романимни ҳам шу кеча кундузда ёзиб тугатдим. Ҳар ўн варақдан сўнг ёзганларимни Мавлудахонга ўқиб бераман, у билан фикрлашаман. Хуллас, ана шундай маънавий ҳаёт оғушида яшаб келаяпмиз.

— Рассомчиликда ҳар бир мактабнинг ўзига хос усуллари бор. Сиз кўпроқ

унинг ёнида қора турганида. Барча ранглар уйғулашганда ўзига яраша бир жозоба, ҳароратли, гўзал табиатни яратади. Ахир ҳаётнинг ўзи ранг-баранг бўёқлардан иборат-ку!

— Устахонангизга келган хорижлик санъатсевар меҳмонларни кўпроқ нималар ҳайратга солади?

— 1913 йилда Европада Шарқ санъати кўргазмаси ташкил этилиб, Камолиддин Бехзоднинг 26 дона миниатюра асари намойиш этилади ва бутун Европа ҳайратдан ларзага келади. Анре Матиз, Василий Кандинский, Дерезн каби XX асрнинг буюк рассомлари бу суратлардан ҳайратга тушишади ва эски Голланд тасвирий санъат усталари мактабидан воз кечиб, Шарққа юз буришади. Анре Матиз ўзидан уч аср олдин яшаб ўтган Камолиддин Бехзодни пиру устоз сифатида тан олади. Мана, орадан юз йил ўтди. Ўзимизнинг меросимизни ўзлаштириб, ўқиб-ўрганадиган, ўзига хос хулосалар чиқарадиган давр келди. Ўзбек тасвирий санъатида ижодини миллий анъаналар билан суғорган забардаст рассомлар етишиб келаяпти. Хорижлик меҳмонларни кўпроқ миллий санъатимиз қизиқтиради.

— Уй тўридаги деворда ўттиз йил осигилик турган суратга боққан одам ҳар гал ҳар хил ҳис-ҳаяжон, маъно, ҳаттоки мусиқани кашф этади. Бунинг сири нимада?

ЗАМОНАВИЙ ЎЙИНЧОҚ

ёхуд болалар автомашиналари ва мотоцикллари

Хозирда интернетдаги бир қатор сайтларда “болалар мотоцикллари ва автомобиллари” дея атибли, шаклан транспорт воситаларига жуда ўхшаш, фақат ҳажми кичик “улов”лар кенг тарғиб этилаётгани кузатилади. Ота-оналарга фарзандлари учун замонавий ва энг зўр совға сифатида сотиб олишларини тақлиф этишаркан, болалар транспортнинг турларига тобора қизиқиш ортаётгани ҳам айтилади. Сайтлардаги шу мавзуга доир айрим реклама видеороликлари, тасвирларда эса кичик байкерларнинг ўз мотоциклчасини баъзи фильмлардаги қаҳрамонларга ўхшаб ҳайдашга жонжаҳди билан ҳаракат қилаётгани бизни ҳайрон қолдиради.

Албатта, болалар мотоцикллари ва автомобилларининг кичик “ҳайдовчи”лар учун қулай ва хавфсиз экани ҳам таъкидланади. Уларнинг аксарияти электр аккумуляторлар билан ҳаракатланиши, тезлиги (соатига 4 километр, баъзилари 8 ёки 25 км. ва ҳоказо), қанча юк кўтариши (турларига қараб 15 кг. дан 75 кг. гача) каттароқ ёшдаги болалар учун бензин билан ҳаракатланувчи турлари борлиги ҳам қайд этилади.

Болалар мотоцикллари ва автомашиналарининг ташқи кўриниши ҳақиқийсига деярли ўхшаш (аналогичен) лиги, кўпчиликка анча таниш бўлган чинакам мотоцикл ва автомобильларнинг кичрайтирилган нусхалари (уменьшенные копии) эканлиги билан ҳавасманд болажонларнинг эътиборини янада жалб этади. “Болалар мотоцикллари фарзандингизга ўзини ҳақиқий байкердай қиш қилиш имконини беради”, каби мазмундаги таърифлар эса ота-оналарни бироз ўйлаб кўришга ундаса, ажаб эмас.

Кичик “ҳайдовчи”лар келгуси ҳаётида мотоцикл ёки автомобилни раво бошқариб кетиши, йўл қоғдаларига тўғри риоя этишида бу илк кўникмалар яхши тайёргарлик вазифасини ўтайди, деган маънодаги мулоҳазаларга мутахассислар қандай қарашади? Бу турдаги “улов”ларни бошқаришга оид зарур билим ва кўникмаларни ўргатиш ота-оналарнинг зиммасида қолар экан, улар бу масалада масъулиятни қанчалик англашади? Айни ўсиш палласидаги 3-14 ёш орасидаги болаларнинг электр энергияси ёрдамида ҳаракатланувчи мотоцикл ва автомашина ҳайдаши улар организмнинг ривожланишида бирор ижобий таъсир кўрсатадими? Ўқувчиларнинг илм-фан сирларини ўрганиши, дарсларни ўзлаштириши,

шу билан бирга, маънавий тарбияси ва руҳиятида бу ишқибозлик қанчалар аҳамиятга эга? Балки бу “замонавий ўйинчоқ”лар уларнинг илк техник кўникмаларини мустаҳкамлашга кўмаклашар?

Биз шу каби саволлар атрофида мутахассислар ва бошқаларнинг фикрлари билан қизиқдик. Шунингдек, юртимизда аҳоли томонидан

озми-кўпми харид қилинаётган бу турдаги ўйинчоқлар савдога чиқарилишидан олдин қандай талабларга жавоб бериши кераклиги ҳақида масъул ташкилотларнинг маълумотлари билан ҳам танишдик.

Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мулоҳазалар сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.



Республика Синов ва сертификатлаштириш маркази Давлат корхонаси томонидан берилган маълумотда келтирилишича, “Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги №122-сонли қарорига асосан, болалар ўйинчоқлари мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулотлар рўйхатида киритилган. Кичкина мотоциклча ва болалар автомашинасининг товар номенклатура коди 9503 бўлса, 14 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган ўйинчоқ ҳисобланади.

Болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқарувчи томонидан тамғаланиши шарт бўлиб, бундай болаларга хавф туғдириши мумкин бўлган ўйинчоқлар ёрликларидан “3 ёшгача бўлган болаларга мумкин эмас”, “Диққат! Фақат катталар кузатуви остида фойдаланиши мумкин” деган ёзувлари бўлиши керак.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шунини таъкидлаш керакки, бундай ўйинчоқ турларидан фақат катталар кузатуви остида махсус болалар майдончаларида фойдаланиши мумкин.

Болалар ўйинчоқларининг умумий хавфсизлик кўрсаткичлари меъёрий ҳужжат талабларига асосан, болалар томонидан ҳаракатга келтириладиган ва болалар оғирлигини кўтарадиган ўйинчоқлар мустаҳкам бўлиши, 50 кг. бўлган юкни кўтара олиши, механик ва электр ёрдамида ҳаракатланадиган ўйинчоқлар тормоз билан жиҳозланган бўлиши керак. Тезлиги 1 м/с дан юқори бўлмаган болалар ўйинчоқларини тормоз жиҳозсиз тайёрлаш мумкин. Электр қувватига эга бўлган ва ҳаракатланиши учун мўлжалланган ўйинчоқлар автоматик тарзда ўчирилдиган мосламага эга бўлиши керак.

Товар номенклатура коди 9503 бўлган болалар ўйинчоқларини мувофиқлик сертификатисиз сотиш мумкин эмас.”

Маълумки, болалар мотоцикллари ва автомашиналари юртимизга четдан келтирилаётган импорт товарлар сирасига қиради ва хорижда ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотларнинг юртимизда белгиланган турларига тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда савдога чиқарилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан берилган маълумотда қайд этилганидек, “болалар учун мўлжалланган, уларнинг ўзи томонидан мустақил ёки масофадан туриб бошқариладиган болалар автомашинаси ва мотоцикллари Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасининг 9503 00 товар субпозициясида классификацияланади.

Ушбу товар субпозицияси учун берилган матнда “Трёхколесные велосипеды, самолеты, педальные автомобили и аналогичные игрушки на колесах; коляски для кукол; куклы; прочие игрушки; модели в уменьшенном размере (“в масштабе”) и аналогичные модели для развлечений, действующие или недействующие; головоломки всех видов” деб кўрсатиб ўтилган”.

Мулоҳаза учун мавзу

ЁШ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎНИКМА

Панжи ЭГАМШУКУРОВ,
Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманидаги ўқув спорт-техника клуби унитар-корхонаси ўқитувчиси:

— Ўқув даргоҳимизда ҳайдовчилик ҳуқуқини беришда гувоҳнома олиш учун ўқиш муддати 3 ярим ой қилиб белгиланган. Шу муддат ичида астойдил ўқиш, дарс машғулотида тўлиқ ва фаол қатнашганлар яхши ҳайдовчи бўла оладилар, деб бемалол айта оламиз. Албатта, кейинчалик амалий тажрибалар асносида уларнинг маълумоти ортиб бораверади. Ўқишни эндигина бошлаганларга ҳайдовчиликнинг илк кўникмаларини ҳосил қилишлари учун 4 соат алоҳида машғулоти олиб борилади. Яхши кўникмага эга бўлмагунча ўрганувчилар ёпиқ майдончада шуғулланадилар. Шундай экан, бу борада илк кўникмаларни болалар мотоцикллари ва автомобиллари орқали пайдо қилишга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Ҳайдовчиликнинг илк кўникмаларига эга бўлишнинг ҳам ўз вақти бор, бу албатта ёш билан боғлиқ кўникмалар эканини унутмаслик жоиз. Шу ўринда булар менинг шахсий фикрларим эканини қайд қилиб ўтмоқчиман. Болажонлар илм-фан сирларини ўзлаштиришга сарфланиши лозим бўлган олтиндан қиммат дамларини вақти келганда уч-тўрт ой, борингки, бир йил ичида, шунингдек, иш ва ўқиш орасида бемалол ўрганиладиган қўшимча хунар учун сарфлаб, болалигидан бошлаб андармон бўлишлари шарт эмас.

Яна бир жиҳати, ота-она ҳар доим ҳам назорат қилолмай қолши, бола ўз хоҳишича “улов”ни ҳайдаб, ички кўчагами, болалар майдончасигами чиқиши, эҳти мол, бирор уч-тўрт яшар болақайнинг соғлиғига хавф туғдириб қўйиши мумкин. Ўзининг соғлиғи-чи? Ҳар ҳолда, бунақа ҳолат асло содир бўлмайди, деб айтолмаймиз. Қолаверса, маҳалларнинг ички йўлларидан транспорт воситалари ҳам ҳаракатланади.

Гарчи болалар учун замонавий ўйинчоқ деб аташса ҳам бу турдаги мотоцикл ва автомашиналар бизнес мақсадларида ишлаб чиқарилади ва дунё бўйлаб савдога йўналтирилади, менинг назаримда.

Яна шунини айтиш жоизки, белгиланган қоғдаларга мувофиқ, 14 ёшдан ошмаган, вояга етмаган болаларнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган йўлларда мопед, велосипед, ҳатто чорва молларини ҳайдаб юришлари ман этилади.

(Давоми бор)

Дилором МАТКАРИМОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тивувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1

ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирнок, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.

Бисердан гуллар, даракотлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁹⁰ дан 22⁹⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

БИР ҲОВУЧ ДУР

- Билим — энг аниқ фикр.
- Барча ёвузликнинг илдизи ва уруги нодонликдир.
- Ким илмини назар-писанд қилмаса, умрининг охиригача оқсоқлаиб ўтади.

Афлотун

- Бировга ёмонлик қилган киши ўзини иблис олдига бошлайди.
- Яхши қўшни қанчалик бахт бўлса, ёмон қўшни ҳам шу қадар аянчли мусибатдир.

Гезиод

- Бирор одамнинг феъл-атвори унинг илоҳий кўриқчиси.
- Ўзбошимчилик ёнгиндан ҳам хавфлироқ.

Гераклий

2014 йил — Соғлом бола йили

ЧАҚАЛОҚ ТИЛИНИ ТУШУНАСИЗМИ?

Эндигина дунё юзини кўрган, гулдан-да нозик бўлган чақалоқни парвариш қилиш, у билан тил топишиш ниҳоятда нозик ва машаққатли вазифа эканлигини бир неча фарзанд тарбиялаб вояга етказган оналаргина чуқур тушунади, ҳис қилади. Хўш, орзу-умидларимиз меваси бўлмиш митти гўдакнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, керак бўлса нафас олишигача эътибор қаратиш онага қандай масъулият юклайди? Бу борада қандай тажрибаларга амал қилиш лозим?

**Раъно ҚОДИРОВА,
олий тоифали врач-педиатр:**

— Чақалоқ турилгач, биринчи чинқиригидан кейинок нафас ола бошлайди. Улар дақиқасига 40-60 мартагача нафас олади. Бола сал кўзгалтирса, нафас олиши тезлашади. Чақалоқ юрак қон-томир тизими шакланган бўлса-да, ҳали тўла такомиллашмаган, томир уриши дақиқасига 120-140 тага етади. Дастлабки кунларда томир уриши бироз сустроқ бўлади. У жуда ўзгарувчан. Бола қийқирганда ёки эмганда томир уриши дақиқасига 160-200 тага етади. Юрак вазни нисбатан оғир бўлиб (20-24 гр.), гавда ва зинининг қарийб 0,8 фоизини ташкил этади.

Чақалоқнинг овқат ҳазм қилиш тизими тўлиқ етилмаган, лекин моддалар алмашинуви кучли бўлганлиги учун у зўр бериб ишлайди. Шу сабабли, овқатлантиришда салгина хатога йўл қўйилса, бу диспепсия (меъда ва ичак касаллиги) га сабаб бўлиши мумкин. Чақалоқнинг оғиз бўшлиғи сўриш учун мослашган. Тил нисбатан катта, шиллик қават милкларда бурма ҳосил қилади. Бу эса оғиз бўшлиғининг жипс ёпик туришини таъминлайди. Чақалоқ ҳаётининг дастлабки кунлари тупук кам ажралади, қизилўнғачи 10 см. га яқин, мускуллари суст ривожланган, улар деярли горизонтал жойлашган бўлиб, меъда билан кенг туташган. Буларнинг ҳаммаси она сутининг меъдадан қизилўнғача осон қайтиб келишига ёрдам беради. Шу сабабли чақалоқнинг оз-оздан қайт қилиши ҳамма вақт ҳам бирон касалликка боғлиқ бўлавермайди.

Дастлабки ойларида гўдакнинг ҳазм органлари фақат она сутини ҳазм қила олади ва бошқа овқатлар (сутли бўтқа,

ширғурч) ни ўзлаштиришга секин-аста мослашиб боради. Ичак мускуллари, унинг перистальтикаси (ичакларнинг овқатнинг сўрилиб туришига ёрдам берадиган чувалчангсимон ҳаракати) ҳам етарлича ривожланмаганлиги туфайли тўлланган газ ҳар доим ҳам ўз-ўзидан чиқиб кетавермайди. Аксарият ҳолларда боланинг ичи дам (метеоризм) бўлади. Шунинг учун унинг ичи келишини мунтазам назорат қилиб туриш лозим. Буйрак ва сийдик чиқариш йўллари шакланган, дастлабки кунлари функцияси суст бўлса-да, кейинчалик анча тезлашади (кунига 20-25 марта пешоб чиқаради). Бунинг сабаби чақалоқ қовугининг унча катта бўлмаслиги, деворларининг ҳали етарлича чўзилувчан эмаслигидир.

Мутахассисларнинг фикрича, чақалоқ йиғласа, она уни бағрига босиб овутиши унча тўғри эмас. Сабаби, йиғи гўдак учун гимнастика бўлиб, боланинг ўлкаси кенгайишига ёрдам беради ва кўкрак ҳамда томоқ мускулларини чинқиртиради. Агар бола бир-икки дақиқа йиғласа, асло зарар қилмайди. Бундай пайтда укувли она аввал сабабини аниқлайди, яъни, йўрганин янгилаб, оғзига сув томизади ёки эмизади. Шунда ҳам бола йиғлайверса, демак, унинг бирор жойи оғриётган бўлади. Масалан, қорни дам бўлган чақалоқ оёқ-қўлларини чангақ қилиб, чирқираб йиғлайди. Бундай пайтда вазелин ёрдамида ел чиқариб юборилса, унинг безовталиги тезда ўтиб кетади. Агар йиғи аралаш тамшанаверса, у чанқаган ёки қорни очган бўлади. Борди-ю, тўхтаб-тўхтаб йиғласа, у “зериқаётган” бўлади. Бу вақтда она бола билан гаплашиши ҳамда уни эркалаши лозим.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.**

СИНОВ ОСТОНАСИ

Шаҳримиз аҳолисининг кўпчилиги қисмини ёшлар ташкил қилади. Улар ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий соҳаларда доимо фаолликка интилиб келишаётир. Йигит-қизларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш ҳақидаги орзу-истаклари уларнинг оилага бўлган муносабатида ҳам яққол акс этади.

Бекобод шаҳрида жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар 400 нафарга яқин йигит-қизлар ўз инон-ихтиёрлари билан янги оила барпо этишди. Албатта, оиланинг бахт-саодати унинг маънавий илдизлари, пойдевори мустаҳкам бўлишига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, ўз тақдирига нисбатан жиддий масъулиятлиликни, оила борасида ёшларнинг фикрлаш тарзи, дунёқараш тўғри шакланган бўлишини тақозо этади. Ҳали ҳаёт синовларини, оила сир-асрорини англагунларига қадар уларга йўл-йўриқ кўрсатмоқ, йиллар давомида тушунтириб бормоқ катта ёшдагилар билан бирга ФХДЁ бўлими миз ходимларининг ҳам муҳим бурч ва вазифасига айланган. “Эрта турмушга чиқилишнинг олдини олиш”, “Тиббий кўриқдан ўтишнинг аҳамияти”, “Оила остонасида” каби мавзулардаги суҳбатлар, маҳаллаларда, ёшлар билан ўтказилган учрашувлар ёшларимизнинг оила қуришда зарур ҳаётий тушунчаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу каби тадбирларга ҳуқуқшунос мутахассислар, тиббиёт ходимлари, “Қамолат” ЁИҲ фаоллари, хотин-қизлар кўмитаси ва жамоатчилик вакилларининг жалб этилгани тарғибот яна фойдалани бўлишини таъминламоқда.

Яқинда “Соғлом бола йили” муносабати билан ўтказилган тадбирда ҳам мутахассис шифокорлар ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бериб, мулоқот қизқарли кечди. Чиндан ҳам соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда аввало никоҳланувчи шахсларни соғлом турмуш маданиятига ўргатиш катта тарбиявий аҳамиятга эга.

**Наргиза ТОШПҲАТОВА,
Бекобод шаҳар ФХДЁ бўлими мудир.**

Ўқинг, қизиқ...

ҚОВУҚДАН ТОПИЛГАН ТОШ

Венгер урологлари рекорд қўйишди — улар одам қовуқидан диаметри 17 см. ва оғирлиги 1,125 кг. бўлган тош олиб ташлашга муваффақ бўлишди. Мижозни УЗИ таҳлилидан ўтказаяётганда унда ана шу ўлчамдаги тош борлиги аниқланган. Операция муваффақиятли якунланган. Шифокорлар бундай “полвон” мижоз Гиннеснинг рекордлар китобига киришга лойиқ, деган фикрда. Одатда, қовуқда йиғиладиган тошларнинг диаметри 5-7 см. атрофида бўлади.

АЛКОГОЛЬ ВА БОШ ОҒРИГИ

Спиртли ичимлик ичгандан сўнг пайдо бўладиган бош оғриғи ҳар доим ҳам томирлар заифлиги туфайли келиб чиқавермайди. Бунинг бошқа сабаби бор: алкоголь танада сувсизланишни чақиради ва жигарга таъсир қилади. Ичкилик сабабли глюкоза камроқ ишлаб чиқарилади. Бош мия ҳужайраларига глюкозанинг етишмаслиги бош оғриғини пайдо қилади. Бундан ташқари, алкоголь қабул қилганда танада терлаш ва кўнгил айнашига сабаб бўлувчи ацетальдегиднинг ажрალიши ортади.

ТУРИБ ҚОЛГАН ЧОЙ

уни нимага ўхшатишади?

Қора чойни дамланган пайтда ичган маъқул. Хитойликлар дамланган чой бир неча соатдан сўнг илоннинг ўткир захрига тенг, деб қарашади. Мутахассислар чойнинг барча фойдали хусусиятлари айнан антиоксидант фаоллиги билан боғлиқлигини назарда тутиб, унинг антиоксидант фаоллигини ўрганишди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, чой дамланганидан бир-икки дақиқа эмас, 20 дақиқа ўтиб уни ичиш жуда фойдалидир. Чунки ана шу пайтда чой ичимлиги таркибиде антиоксидантлар микдори энг юқори даражага етади, сўнгга пасая боради. Қора чойдан фарқли ўларок, кўк чойни бир неча соат давомида ичиш мумкин.

СЕМИРИШ ВА ЖАҲДОРЛИК

Ортиқча семизлик эркак кишиларда асабийлашиш ва жаҳлдорликни келтириб чиқаради. Ёғ тўқималарининг керагидан ортиқ пайдо бўлиши аёлларда жинсий гормонлар — эстрогенларнинг кучайишига олиб келади. Бироқ, семизлик эркакларни ҳаддан зиёд таъсирчан ва жаҳлдор қилиши билан уларнинг руҳиятига салбий таъсир этади. Семиз эркакларнинг ўзидан кўнгли тўлмайди ва бу уларнинг кайфиятида ҳам ноҳушлик уйғотаверади.

“АИФ” материаллари асосида тайёрланди.

Биласизми?

АВВАЛ ТЕКШИРИБ, КЕЙИН ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГ

Халқимиз “беғубор неъмат”, деб эъозлайдиган тарвуз энгил ҳазм бўлиши, чанқовбосдиллиги, шифобахшлиги билан бошқа полиз экинларидан тубдан фарқ қилади. Бир қанча хасталиқларга даво эканлиги учун ҳам у халқ табобатида “беқасам тўнли шифокор” сифатида қадрланади. Жумладан, шишларда, буйрак, юрак-қон томир тизими хасталиқларида, ўт қопи, жигар ва ошқозон касалликларини даволашда фойдаланилади. Шунингдек, ортиқча вазндан қутулишда тарвузнинг фойдаси катта. Этининг тўқималари овқат ҳазм бўлишини яхшилайди. Таркибидеги С дармондориси ҳамда фолий кислотаси эса склерозга қарши энг яхши восита сифатида қўлланилади.

Тарвузни мунтазам равишда истеъмол қилиш соф уйқу, қалб мувозанатини таъминлайди, шунингдек, эркакларга куч бағишлайди. Кучли бош оғриқда пўстини пешонага боғлаб қўйиш фойдалидир. Ота-боболаримиз тумовдан халос бўлишда ҳам тарвуздан фойдаланишган.

Қишин-ёздин бозор расталаридан тушмайидиган тарвузнинг эртаги, кечки навлари анча машҳур. Бу полиз экини, одатда, табиий равишда август ойининг ўрталарида пишади. Энг эртапишар навлари ҳам июлнинг охирида етилади. Кейинги йилларда селекционерлар унинг анчайин эртапишар навларини яратишди. Илғор ва замонавий технологиялардан фойдаланган дехқонлар эса июнь ойидаёқ бозор расталарини янги узилган тарвузлар билан тўлдирмоқда. Аммо уларни тановул қилишда эҳтиёт чораларини кўриш фойдадан холи бўлмайди. Шу мақсадда уй шароитида бир қатор текширувларни ўтказиш лозим.

★ Тарвузнининг бир бўлагини кесиб, совуқ сувга солиб қўйилади. Агар сув пушти рангга кирса, демак, тарвузнинг бўялганини билдиради. Бундай тарвузни ейиш соғлиқ учун хавфли.

★ Сўйилганда толалари оқ рангга бўлиши керак. Толасининг сариқлиги тарвузнинг нитрат ва бошқа кимёвий ўғитлар билан тўйинганига ишоратидир.

★ Ҳаддан зиёд катта тарвуз кимёвий ўғитлар билан ортиқча тўйинтирилган, жуда кичкинаси эса етилмаган бўлади. Шунинг учун ўртача катталикдагисини танлаган маъқул.

★ Тарвузнинг ёнбошида катта оқ доғи бўлса, бу унинг хомлигидан дарак беради. Кичик оқ доғли тарвузни танлаш лозим.

ШАҲИНА тайёрлади.



ТЕМИР ТИШЛИ ВЕЛОСИПЕД

Барча замонларнинг кашфиётчиларига гайриоддий буюмларни ихтиро қилиш мақсади бегона бўлмаган. 1948 йил қизикувчан бешовлон гаройиблиги билан теварақдагиларнинг эътиборини тортадиган нимадир ясашга қарор қилишди. Улар ўйлаб-ўйлаб,



охир, велосипедларнинг турли ноанъанавий моделларини йиғишга киришиб кетдилар. Натижада, сиз суратда кўриб турган ажойиб велосипедлар коллекцияси вужудга келди.

Масалан, Арт Ротшилд ихтиро қилган велосипедни бир йўла тўрт киши бошқаради. У бешта занжир ёрдамида ҳаракатланади ҳамда ҳар бир ғилдиракдаги иккита торморз курилмаси билан тўхтаилади. Фаройиблигига яраша бу велосипеднинг бошқаруви осон кечмайди. Синов жараёнида ихтирочи Ротшилд (суратда юқоридаги ҳайдовчи) йиқилиб, учта қовурғасини синдириб олган.

Яна бир велосипед ўзининг миттигина эканлиги билан эътиборни тортади. Аслида у цирк томошаларига мўлжаллаб йиғилган. Бироқ, велосипедлар сотувчисига бу миттивой шуниси билан ёқиб қолдики, у жароҳат олган чап оёғини машқ қилдириш учун шу велосипеддан фойдаланиш қулайлигини сезганди. Дарвоқе, у бир пайтлар мотоцикл пойгаларида ҳам



иштирок этиб, чап оёғини етти марта синдириб олган эди.

Жо Штайнлауфинг ихтироси ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотганди. У Чикагонинг қорли кўчаларида қийналмасдан ҳаракатланадиган техникага эҳтиёж бор деб ҳисобларди. Ҳатто, муз устида ҳам ҳавфсиз юрадиган восита устида бош қотирган Жо, ниҳоят, ўзининг антиқа велосипедини ихтиро қилди. Бу велосипеднинг одатдагиларидан фарқи шуки, унинг ғилдираклари юзаси темир тиглар билан қопланган ва рулнинг дастагига қўлни ҳимоя қилувчи мослама ўрнатилган эди.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

“Бахтли бўлинг”

сахифаси

СЕП ЭП БЎЛМАДИ

Орзу-хавасли бўлиш яхши, аммо метёрни билмасангиз панд еб қолишингиз ҳеч гап эмас экан. Ўғлим Райимжон бадавлат хонадоннинг қизига кўнгил кўйганини эшитиб, рост, жуда суюнгандим. “Келин дегани сели билан зийнатли-да”, деган ўйда совчиликка бордим. Икки ойдан кейин тўй ҳам бўлиб ўтди. Маҳалладаги уч-тўртта дугоналаримга кўз-кўз қилиб, келинимга энг қимматбаҳо сарполарни олдим. Қуда тараф ҳам мендан қолишни истамади чоғи, совғаларни орттириб қайтарди. Бир йил ўтар-ўтмас, эгизак неварали бўлдим. Бу хушхабарни эшитган келинимнинг ота-онаси ўғлимга машина совға қилишди. Бу воқеалар маҳалламизда дув-дув гап бўлди.

Кўп ўтмай, ўғлимнинг иши юришмай қолди. Ҳамшираликдан толган пулим рўзгорга аранг етарди. Тўкин-сочинликка ўрганиб қолганимиз учун камхаржликка кўникишимиз анча қийин бўлди. Райимжон киракашлик қила бошлади. Келиним эса ҳар икки гапининг бирида отаси олиб берган машинанинг орқасидан кун кўраётганимизни пеш қиларди. Бу гаплар ўғлимга оғир ботса-да, индамас, кечани кеча, кундузни кундуз демай ишларди. Ярим тунгача ишлаб, чарчаб келган маҳалида келиним ундан шубҳаланиб, тергарди. Натижада орадан муроса кўтарилди. Бу гап-сўзлар кудаларимга ҳам етиб борди. Эркак қудам ўғлимдан машинани олиб кўйди ва: “Қизимни сизларга хафа қилдириб қўймайман”, деб келинимни ҳам бошлаб кетди. “Невараларимиз тирик етим бўлмасин”, деб ҳарчанд ялнинмай, уларни шаштидан қайтара олмадим. Бу моҳарола охири ажримга бориб етди.

Энди эса ўғлимнинг ахволини кўриб эзиламан. Тўй кунлари бизни беҳад қувонтирган қўша-қўша сарполаримиз болаларимга заррача бахт бермади. Қайта уйланиши кераклиги ҳақида ўғлимга гап очсам, у: “Билмасам, мени тушунадиган қиз топилармикан”, дейди. Ҳозир Райимжон 36 ёшда. Оқила, мулоҳазали қизлар бўлса келин қилардим.

МУЪТАБАР опа,
Тошкент шахри.

БАРВАСТАЛИК АЙБ ЭМАС-КУ!

Жияним Ойгул тикув чеҳида ишлайди. Ўзи хушмуомала, кўли гул чевар. Фақат, бўйининг бироз баландлиги (1 м.75 см.) туфайли бахти очилмай турибди. Сал аввалроқ “Оила ва жамият” да баланд бўйли бир қиз ҳақидаги мақолага кўзим тушганди. Келаётган совчиларнинг айримлари: “Ўғлимизнинг бўйи бироз пастроқ, агар қиз рози бўлса, келин қилардик”, дейишди. Аммо жиянимни бундай шартга кўндирма олмадик. “Тенгим чиқсагина турмуш қураман”, дейди. Ойгул ҳозир 34 ёшда. Ука-сингиллари икки-учтадан фарзандлик бўлишди. Барибир жиянимнинг ёши ўтиб бораётганидан хавотирдамиз. Уйланиш ниятида юрган барваста йигитлар бўлса, хабар қилинглр.

САЛИМА опа,
Сурхондарё вилояти.

КЎНГИЛДАГИ ИНСОННИ УЧРАТДИМ

2013 йилнинг декабрь ойида тахририятга бориб, “Оила бўлими”га ҳужжатларимни топширгандим. Ростини айтсам, ўшанда газета орқали бахтимни топишимга унчалик ҳам ишонмагандим. Кўп ўтмай, менга Зарифа исмли аёлнинг телефон рақамини беришди. Уйга келиб кўнғироқ қилсам, гўшақни ҳеч ким кўтармади. Наҳотки, мени алдашган бўлса, деган шубҳага ҳам бордим. Орадан икки ҳафта ўтгач, ўша рақам билан яна бир марта боғланишга уриндим.

Зарифа бувиси қазо қилиб қолгани учун бир неча кун телефонига жавоб бера олмаганини айтиб, узр сўради. Учрашиб, гаплашиб олишга келишдик. Унинг одобли, ширин муомалали, оқила аёл эканини кўриб, меҳрим тушди. Шу кунгача телефон орқали суҳбатлашиб, гоҳида кўришиб юрдик. Мана, бувисининг маъракалари ҳам ўтди. Келаси ойда мўъжазгина тўй қилиб, оила қурмоқчимиз. Бунинг учун сизларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

ЗИЁДУЛЛА,
Қашқадарё вилояти.

ШОДИЯНИ ШОДОН КЎРСАМ...

Дугонам Шодиянинг чиройли табассумини кўрган одам унинг қалбидаги изтиробларини сезмайди. У 7 йил аввал синфдошимиз Жамшид билан турмуш қурди. Фарзандли бўлишди. Уларнинг аҳиллигига ҳавасимиз келарди. Бир кун Шодия кўнғироқ қилиб, ёрдамин кераклигини айтди. Унинг титроқ товушидан хавотирланиб, тезда уйига етиб бордим. Жамшиднинг юраги санчиб, ҳозиргина “Тез ёрдам” олиб кетган экан. Шодия ўғлини менга қолдириб, шошиб чиқиб кетди. Орадан уч кун ўтгач, Жамшиднинг инфарктдан вафот этганлиги ҳақидаги нохуш хабарни эшитибок, Шодиянинг ёнига югурдим. Бу кўргилик ҳаммамизни гангитиб қўйди. Дугонамини нима деб овутишни билолмасдик. Бир йилдан кейин у ота уйига қайтиб келди. Ишга жойлашди. Ҳозир ўғли 6 ёшда. Шодиянинг ўзи сездирмасам, кўзларида армон муҳрланиб қолган, ёлғизликдан азоб чекаётганини сезиб, нима дейишни билмайман. Баъзан эса гапириб туриб, ўз-ўзидан йиғлаб юборади. Яқинда унга, дўст сифатида ётиги билан янгидан ҳаёт бошлаши кераклигини обдон тушунирдим. Узоқ ўйлашиб қолди-да: “Билмасам, Шаҳноз, ўзим ҳам ота уйимда қийналиб кетдим, янгаларимнинг қовоғидан қор ёққанини кўриб бир эзилсам, етимликда катта бўлаётган ўғлимнинг отаси бор ўртоқларига ҳавас қилиб гапирганини эшитиб, яна баттар эзиламан”, деди. Хуллас, унга ёрдам бермасам бўлмаслигини тушуниб, сизларга хат ёзаёпман. Шодия яқинда 30 ёшга қиради. Қайси вилоятдан бўлиши аҳамиятсиз, лекин ҳалол ризқ топадиган, уй-жойи, касби-кори тайин йигитлар бўлса хабар берсангиз.

ШАҲНОЗА,
Самарқанд вилояти.

“ЎҒЛИМ БЎЛГАНИДА КЕЛМАСДИМ”

Тахририятимизга кириб келган аёл ўзини Насиббахонман, дея таништирди.

— Асли наманганликман, хизмат юзасидан Тошкентга кўп келиб-кетаман. Сизларнинг савобли ишга бош қўшаётганингизни эшитиб, кўпдан бери келмоқчи бўлиб юрвдим. Аммо андишага бориб юрагим бетламасди, — дея гап бошлади у. — Уч нафар қизим бор. Ҳаммаси оилали, икки-учтадан фарзанди бор. Тўрт йил аввал турмуш ўртоғим бедаво хасталик туфайли оламдан ўтиб қолди. Шундан бери ёлғиз яшайман. Қизларим ва набираларим ёлғизликда қийналмаслигини учун тез-тез келиб, хабар олишади. Аммо кудаларимнинг олдидан уларни ҳадеб безовта қилгим келмайди.

Опа-сингилларим менга, Насиба, турмуш қургин, кексайганда қийналасан, дея кўп марта маслаҳат беришди. Ўйлаб қарасам, ростдан ҳам ёнингда бир суянчик, дардкаш инсон бўлмаса, мушкул экан. Тўғри, ўғлим бўлганда ҳеч қачон ёлғизлигимни пеш қилиб, бу борада бирова дардимни очмасдим. Ҳайҳотдай ҳовлимиз дам олиш кунларидагина невараларим келишса, тўйхонага айланади. Уларни кузатгач эса, дунёга сиғмай қоламан. Ёшим 55да. Ўзим каби турмуш ўртоғидан ажралган, ярим кўнғил киши учраса, оила қуриб, рўзгоримга бош бўлиб юрса деган ниятда сизларга мурожаат қилаёпман.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ЎЗ УЙИДА... БЕГОНА ОДАМ

Одамлар орасида юрсангиз, уларнинг турфа табиати, фикру қарашлари, тақдирлари билан яқинроқ танишасиз. Бундай ҳаётӣ кузатувлар иш фаолиятимизда ҳам асқотади. Тўғри, автобусда йўловчилар билан бирга кетаётиб, ҳар доим ўзингизни таништиравермайсиз. Аммо беҳитёр кўзга ташланган ҳолатлар, ҳаётӣ воқеалар, айниқса, масъулиятли вазифам нуқтаи назаридан мени асло бефарқ қолдирмайди. Мана, шулардан бири...

Бекатда олдинга бир-бирига эътиборсиздай ўтирган аёл ва эркак бир пасда ўзаро жанжаллашиб қолишди. Эркак атрофдагилардан истихола қилди шекилли, ёнидаги аёлга бир-икки насихат бергандай бўлди. Бироқ аёл жаҳл билан ўрнидан туриб нари кетди. Хайрият, жим бўлишди, деган ҳаёлга бордим, аёл эса кимгадир телефон қилиб, нақ шангиллашга тушди. Хуллас, ҳозирги тортишувларига икки-уч ёлгонни қўшиб, гап билан ёнидаги ҳамроҳининг устидан мағзава ағдара бошлади. Бу гапларга биров қулоқ солди, биров йўқ. Шунда уларни кузатиб турган бир отахон аёлга жамоат жойида жанжаллашиш уят саналишини айтиб, биров танбех берди. Аёл отаси тенги кишига истеҳзо билан қараб, кўча кўпники, гапиришга ҳаққим бор, деб жеркиб берди. Отахоннинг унга гап уқтириб бўлмаслигига кўзи етди, кўл силкиганча нарироқ кетди...

Мен чиққан автобус анча тирбанд эди. Бояги аёл ҳақида ўйлардим. Соқлари икки-уч хил бўёққа бўялган, юз-кўзи, узун тирноқларига роса пардоз-андоз қилгани кўриниб турар, эғнидаги кийимлари ҳам шунга мос эди...

— Опа, ўриндиққа сиз ўтира қолинг, — дея кимдир сумкамга туртди. Қарасам, бекатда жанжаллашган ҳалиги эркак экан. У ўн дақиқа чамаси кўзини бир нуқтага қадаганча турди.

— Ука, кечирасиз, бояги аёл кимингиз бўлади? — деб сўрадим.

У тўлиб турган экан чоғи, қуниб гапира кетди:

— Пул, бойлик ортидан қувган мен аҳмоқ. Шу аёлни деб ота-онам, ака-укаларимдан кечгандим. Тақдир экан, яқинда озодликка чиқдим. Тўрт йил ичида ўзбошимчалик билан яшаган аёлимнинг ҳам, гулдек икки боламнинг ҳам феъл-атвориға тушунолмамай ҳалакман. Мен қайтгунча ўзгариб кетишибди. Ўғлим катта бўлиб қолган, гапимга қулоқ солмаяпти, қизим хали кичик ёшда. Уйда қанақа муҳит дейсиз, очиги, эркинроқ нафас олишгаям кўрқаман. Бунинг устига шахсий уйим йўқ, қайнотам билан бирга яшаб турибман. Кичик ҳовли-жойимизни сотиб, бу дангиллама ҳовлини уларнинг номига олгандим-да. Ҳар кунги ўзаро жанжаллар оиламиз илдизини қуртайди деяпти. Баъзан "ўз уйида бегона", дейишади-ку, ана шундай одам бўлиб қолдим. Қайнона ва қайнотам бўлса

Ойна

қизлари тарафда. Энди бошим қотган, борай десам, ота-онам вафот қилиб кетишган, у уйда уқам яшайди. Оиламда қолай десам, бу ахволда улар билан яшаш мушкул. Ҳозир опамникига кетаятман, поччам жуда яхши инсон. Бирор йўл-йўриқ берар. Ҳамма айб ўзимда, вақтида хотинимга танбех бериб, йўлга солмадим. Бир гапини икки қилмасдим, ҳаммасига чидадим. Ҳатто, унинг касрига қолиб, панжара ортига тушдим. Ўзимни уддабуронман, деб билганман. Аслида қанча топсам, шунча бахтимни бой берган эканман. Бундай аёлдан нимани ҳам умид қилиш мумкин, ажрашишдан бошқа чорам қолмаяпти. Ўғлимни ўзимга олишим керак, уларнинг нотўғри тарбияси билан унинг тақдири ҳам меникига ўхшашини истамайман. Токи, мен қилган хатолардан йироқ бўлсин, қизалогим эса...

У ора-сира кўз ёшларини яширишга уринарди. Ёнимда ўтирганлар жим эшитар, ҳеч ким "секинроқ гапиринг" деган маънода бирор эътироз билдирмас, унга ачиниб қараб қўйишарди. Унга ҳам таскин, ҳам бир маслаҳат сифатида биров фикрларимни айтдим. Балки ўйламай хато ишлар қилиб, бундай ҳолатга тушган кишиларнинг пушаймон ва надоматда қолганига сиз ҳам ҳаётда гувоҳ бўлгандирсиз. Табиийки, одамнинг хатти-ҳаракатлари, оилага, одамларга муносабати, рўзгор тебратиш, яшаш ҳақидаги ўй-фикрлари, бунда нималарга амал қилиши унинг ички дунёси, маънавияти билан боғлиқдир.

Солиҳа ЎРМОНОВА,
Бўка туман ФХДЁ бўлими мудири.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ... ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА

Пойтахтимизда бошланган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дастлабки голиб ва совриндорлар маълум бўлди.

Дунёнинг 100 дан ортиқ давлатдан 800 нафардан зиёд спортчи иштирок этаётган нуфузли мусобақанинг эркин кураш бўйича вазни 70 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида ҳамюртимиз Бекзод Абдурахмонов бронза медални қўлга киритди.

САРВИНОЗ – ХАЛҚАРО СПОРТ УСТАСИ

Халқаро шахмат федерацияси – FIDEнинг Норвегияда бўлиб ўтган конгрессида сирдарёлик Сарвиноз Курбонбоевага халқаро тоифадаги спорт устаси унвонини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Айни кунларда С.Курбонбоева 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Ҳиндистонда бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўрмоқда.

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

2015 йилнинг 9-31 январь кунлари Австралияда футбол бўйича Осиё кубоғи мусобақаси бўлиб ўтади. Мазкур мусобақага тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари пойтахтимизда Янги Зеландия терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказди.

"Пахтакор" марказий стадионида ўтказилган ўйинда терма жамоамиз аъзолари ҳужумкор ўйин намойиш этиб, Одил Аҳмедовнинг "дубл"и ва Сервер Жепаровнинг голи эвазига рақибни устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН

Мен ўзимга маъқул бўлган бир корхонага оддий ишчи лавозимини сўраб мурожаат этдим у корхона мунтазам 4 йилдан бери менга "бўш иш ўрнимиз йўқ", деб рад жавобини беради. III гуруҳ ногирониман, корхонанинг менга ёзган жавоби кунунан тўғрими?

Бахтиёр ИБОТОВ.

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратишга доир маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини бажармаганлик учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилади.

Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги ташкилотларни ушбу Қонуннинг ногиронларни иш билан таъминлашга доир талабларини бажариш мажбуриятдан озод этмайди.

Саволга Самарқанд шаҳар 5-сон
ДНИ нотариуси Алишер ЭШИМОВ жавоб берди.

ТЕНГ МАЖБУРИЯТЛАРГА ЭГА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳга кириши ҳақида батафсил маълумот берсангиз?

И. Муборақов,
Зомин тумани.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар рес-

публикамик ҳудудда оилавий муносабатларда мамлакатимиз фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиши ва тенг мажбуриятларга эга эканликлари Оила кодексининг 234-моддасида ўз аксини топган.

Никоҳ тузиш тартиби ва уни расмийлаштириш учун белгиланган шартлар республикамик фуқаролари билан бир қаторда чет эл фуқаролари учун ҳам тааллуқлидир. Шунга кўра, Оила кодексининг 13-17-моддаларида белгиланган нормаларга зид ва никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлса, никоҳни қайд этишга йўл қўйилмайди.

Масалан, агар чет эл фуқароси никоҳ ёшига етмаган бўлса, Ўзбекистон фуқароси билан никоҳ муносабатларига киришишига йўл қўйилмайди ёки чет эл фуқаросининг ўз ватанида кўп никоҳлилик тақиқланмаган ва у бошқа никоҳда бўла туриб, Ўзбекистон фуқароси билан оила қуриш истагида бўлса, амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ бундай никоҳга руҳсат этилмайди.

Никоҳ шахсан никоҳга қирувчиларнинг иштирокида, улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органга ариза берган кундан бошлаб бир ой ўтгандан кейин тузилади.

Тиббий кўрикдан ўтказиш учун берилган йўлланмалар ФХДЁ органларида никоҳ тузиш тўғрисидаги аризаларни рўйхатдан ўтказиш фақрида қайд этилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан никоҳланаётган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг вақтинча яшаш жойида тиббий кўрикдан ўтадилар.

Яна бир муҳим ҳолат, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ва Ўзбекистон Республикасининг хорижда яшовчи фуқароларининг никоҳини қайд этишда агар ушбу шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш визаси никоҳ тузиладиган кунда ҳақиқий бўлсагина амалга оширилади.

Саволга Зарбдор туман ФХДЁ бўлими мудири
Муқаддас ОРТИҚОВА жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реплама материаллари мазмун учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босяхонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oijavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилором
МАТКАРИМОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳиллар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЙЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амр Темуру кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г
– 936. Формати А-3, ҳажми 2 таб. Адади –
6191. Баҳоси келишидан нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5